

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 214 (11.023) Баҳоси эркин нарҳда

ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 5 НОЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ (БАА) ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ШАЙХ САЙФ БИН ЗОИД ОЛ НАҲАЁННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига кўп бўлгани йўқ, лекин халқларимизнинг алоқалари узоқ даврларга бориб тақалади, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон халқи араб дунёсига алоҳида эҳтиром билан қарайди.

Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистоннинг Форс кўрфазини араб дунёсидан яқин ва ишончли шерикларидан ҳисобланади. Шу кунларда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлди.

Бирлашган Араб Амирликларида ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилида ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган катта маънавият билан қутиб олинди. Мазкур давлатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон маънавий юксалиши йўлида» китоби араб тилида нашр этилган. Бу воқеалар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва маънавий яқинликнинг, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг ёрқин тасдиғидир.

Жорий йилнинг октябр ойида Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Ўзбекистонга келган эди. Ушбу ташриф асосида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлик-

ри ҳукуматлари ўртасида Даромадларнинг икки томонлама солиқ торттилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки мамлакат ташқи сийosat мақамлари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланди. БАА ички ишлар вазирининг ташрифи мамлакатларимизнинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам ривожланиш йўлидан бораётганини кўрсатади. Жамоатчиликни, айниқса, ёш авлодни турли ёт ғоя ва мафқуралардан химоя қилишда, динни ниқоб қилиб олган ғараз ниъти кучларга қарши курашишда ҳамкорлик қилиш икки мамлакат учун ҳам манфаатлидир.

Оқсаройдаги учрашувда шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан бошқа йўналишлар каби хавфсизлик борасидаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш тарафдори эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликларининг ҳуқуқий муносабатлари мустақамлашга, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ УЗОГНИ ЯҚИН ҚИЛИШ ҲАМ ҲАМКОРЛИКНИ КЎЗАГА КЎРСАТИШДА ҲАМКОРЛИКНИ КЎЗАГА КЎРСАТИШДА ҲАМКОРЛИКНИ КЎЗАГА КЎРСАТИШДА

Хамшаҳарларимиз узоғни яқин қилиш ғўзининг салмоқли хиссасини кўшаётган пойтахтимиздаги «7-Автобус саройи» акциядорлик жамияти транспортчилари қишки мавсумга тайёргарлик ишларини пухта бажаришмоқда.

СУРАТЛАРДА: барча транспорт воситалари кўриқдан ўтказилиши намунали хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади.



ЎЗА

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИНИНГ ТАШРИФИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 3 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИ ВЭНЬ ЦЗЯБОНИНГ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик кўлами барча соҳаларда кенгайиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар, хусусан, Президент Ислам Каримовнинг 2005 йил май ойида ХХРга давлат ташрифи асосида имзоланган Дўстлик, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Учрашув якунида ХХР Давлат кенгаши раҳбарининг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунлари бўйича икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Кўша маънавий қабул қилинди. Атраф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги алоқалар меморандуми, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда Тошкентдаги Даволаш-хирургия маркази лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги ҳу-

матлараро битимлар, Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Хитой Эксимбанки ўртасида алоқалар меморандуми, «Узсаноатқурилиш» банки билан Хитой Эксимбанки ўртасида кредит битими, Фаргона вилоятида экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш, Фаргона, Марғилон ва уларга туташ аҳоли пунктларида сув таъминотини тубдан яхшилаш, «Тўқимачи-Ангрен» темир йўл участкасини электрлаштириш бўйича шартномалар, Хитойга 150 минг тонна пахта толаси етказиб бериш бўйича ҳадли шартнома имзоланди.

Шу кун ХХР Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон билан ХХР олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди.

ХХР Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илғизар Собир

ов билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустақамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Меҳмон ташриф асосида парламентимиз фаолияти билан яқиндан танишгани, ХХР Ўзбекистон билан дўстлик ишбилармонлиги, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлаш тарафдори эканлигини қайд этди.

Вэнь Цзябао Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниъатларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул кўйди.

Меҳмон Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонига амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу мажмуа мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардан, айниқса, халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат эканини алоҳида таъкидлади.

Қисса сатрларда

● **БУГУН** шаҳримизда «Кимё, пластмасса, резина-2007» халқаро кўргазмаси иш бошланди. КЕЧА уюштирилган матбуот анжуманида ушбу кўргазманинг моҳияти ҳақида сўз борди, унда 10 га яқин давлатлардан келган 25 та компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **КЕЧА** шаҳримизда ўтказилган конференция «Узлуқсиз экологик таълим: муаммо ва ечимлар» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан шифокорлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Гематологиянинг долзарб муаммолари» деб номланди.

● **МИЛЛИЙ** санъат марказида «Ўзбекистон: замин ва инсонлар» мавзусида уюштирилган расмлар кўргазмаси Ўзбекистон халқ рассомси, академик Рўзи Қориев хотирасига бағишланди. Ушбу тадбир 18 ноябргача давом этади.

● **СОЧИ** шаҳрида қаратэ бўйича уюштирилган халқаро «Қора денгиз соҳили» турнирида муваффақиятли қатнашиб голибликни қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Тошкентга қайтиб келишди.

● **ЖАҲОН** Иқтисодий ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда «Баркамол авлод — мустақиллигимиз таянчи» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда лицей ўқувчилари, ўқитувчилари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ходимлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тендош» маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида ўтказилган кўрик-танлов «Қўшқорлик байрами» деб номланди.

● **УМИД** спорт мажмуасида ёшлар ўртасида стол теннис бўйича турнир ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** киночилар уйида «Ўзбекино» миллий агентлиги ташаббуси билан кино соҳаси мутасаддилари ва мутахассислари иштирокида «Шарқ ва Фарб: ўзига хос изланиш» мавзусида кинофестиваль бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

● Тошкентда «Таълим самардорлигини оширишда Ziyonet таълим ахборот тармоғининг аҳамияти» мавзусида илмий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида уюштирилган семинарда олий ўқув юртлирининг ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, дастурчилар, ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар ассоциацияси ва Россия Федерациясининг Москва вилояти Адвокатлар палатаси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида «Ҳозирги замон адвокатураси: муаммо ва келгуси тараққиёт» мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Австрия, Россия Федерацияси, Латвия, Литва, Озарбойжон вакиллари ҳам қатнашди.

● Асака автомобилсозлик заводи негизда ташкил этилган «Женерал Моторс — Ўзбекистон» Ўзбекистон-Америка қўша марказининг янги маҳсулоти — «Tasuma» ва «Captiva» ва «Erisa» русумли автомобилларнинг дастлабки туркуми савдога чиқарилди. Жорий йил охиригача учта модификациядаги замонавий «Шевроле» автомобилларининг 2 мингга яқини ишлаб чиқарилади.

● Тошкент бозорларида Ўзбекистон асарчилари уюшмаси томонидан шаҳар ҳокимлиги кўмағида ташкил этилган асал байрами савдо-ярмаркаси ниҳоясига етди.

● Қўшқўпир тумани марказида политехника йўналишидаги янги 540 ўринли касбхунар коллежи фойдаланишга топширилди. «Ирригация темир-бетон қурилиш» МЧЖ бунёдкорлари томонидан бунёд этилган ўқув муассасасида 2 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

● Ҳазорасп тумани марказида янги деҳқон бозори ишга тушди. Бозордан 2000 ўринга мўлжалланган усти ёпиқ савдо расталари, 35 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва 40 та озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган дўкон ўрин олган. Янги бозор қурилишига 1,5 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди.

● Бойсун туманида маиший хизмат касбхунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 540 ўринга мўлжалланган коллежда билим олиш ва касб-хунар ўрганиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

● Шофиркон тумани ижтимоий-таъминот бўлими қошида эҳтиёжманд фуқароларга реабилитация техник воситаларини вақтинчалик фойдаланишга берувчи пункт иш бошлади.

ЖАҲОНДА

● Бугун Вашингтонда АҚШ ва Туркия Президентлари қурд жангарилари масаласини муҳокама қилиш бўйича учрашадилар.

● Кеча таниқли санъаткорлар ва қаламкашлар билан учрашуви чоғида Грузия Президентини Михаил Саакашвили муҳолифатчилар билан мулоқотга тайёр эканлиги, бироқ уларнинг шартларини қабул қила олмаслигини таъкидлади.

● Кеча Польша ҳукумати тўла таркибда истеғфога чиқди.

● Шимолий Корея ҳукумати мамлакат ядровий дастурини бекор қилиш йўлида навбатдаги қадамни кўйди. Яъни Йонбондаги учта ядровий реакторни бузиш ишлари бошланди. Бунда америкалик мутахассислар кўмак бермоқда. Маълумотларга кўра, реакторларни йўқ қилиш йил охирида якунланади. ҚХДР бунинг эвазига Жанубий Корея, Хитой, Россия ва АҚШдан энергетик ёрдам олади.

● Сербия Косово муаммоси бўйича Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи учлигидан таклиф этилган Гонконг вариантни усулидан воз кечди.

● Курдистон ишчилар партияси жангарилари гаровга олинган 8 нафар Туркия ҳарбийларини озодликка чиқарди. Ироқ шимолидаги қурд жангарилари томонидан ушлаб турилган ҳарбийлар Туркияга етиб келган.

● Кеча АҚШнинг «Дискавери» шаттл халқаро космик станциядан муваффақиятли ажралиб ерга томон парвозни амалга ошира бошлади. У эртага Ерга қўнади.

● Аргентина шимоли-шарқидаги қамоқхоналардан бирида рўй берган ёнгин туфайли 29 киши ҳалок бўлди. Дастлабки хабарларга қараганда, бир маҳбус ёнгин келиб чиқишига сабабчи бўлган.

● Покистонда фавқулодда ҳолат эълон қилинганидан сўнг жойларда норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан, кейинги икки кун ичида 1,5 мингга яқин муҳолифат кучлари ҳибсага олинган.

● Мьянмада яна вазият чигаллашмоқда. БМТ махсус вакили Иброҳим Бамбалар томонларни муросага келтириш мақсадида ушбу мамлакатга ташриф буюрди. Унинг беш кунлик ташрифи давомида мамлакат ҳукумати ва муҳолифат вакиллари билан учрашуви режалаштирилган.

● Тулада қариялар интернатига юзага келган кучли ёнгин оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сон 31 кишига етди. 231 нафар кекса эса ёнгин жойидан муваффақиятли қўчирилган. Шу муносабат билан бугун Тула областида мотам кун эълон қилинди.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ (БАА) ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ШАЙХ САЙФ БИН ЗОИД ОЛ НАҲАЁН 5 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ БАҲОДИР МАТЛОНОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Музокарада икки мамлакат ички ишлар вазирлиқларининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, соҳада янги қўша лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

Шу кун меҳмон пойтахтимизда янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуғи ташриф буюриб, Ҳазрати Имом

жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёрат-гоҳи каби иморатларни кўздан кечириди. Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазири бу ерда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу иш-

ларнинг бунёд этилгани Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалий натижаси эканлигини таъкидлади.

Меҳмон Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида ҳам бўлиб, муқаддас Қуръон-

Мулукот чоғида Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги ҳамкорлик кўллаб йўналишлар қатори хавфсизлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда терроризм, айирмачилик ва экстремизм, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни мустақамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Ёшлар — келажагимиз

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА ТАЪЛИМ МАСКАНИ

2007-2008 йилда тўла реконструкция қилиниб, барча шарт-шароитлар яратилган Тошкент геодезия ва картография касб-хунар коллежида бўлганимизда, ибратли ишлар замирида эртанги умид чекаларимизни ҳавас қилса арзугулик гўзал хулқ-атворли, жисмонан бақувват, билимли, шу билан бирга, бирон касб-хунар эгаси, малакали мутахассис қилиб тарбиялашдек эзгу мақсад мавжудлигига яна бир бор амин бўлдик.

Бизнинг таълим масканимизда, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди Ендир Даулатов, — реконструкциядан кейин жаҳон талаблари даражасидаги таълим, яъни ўқувчиларимиз яхши билим олишлари, касбларни чуқур ўрганишлари ҳамда амалий кўникмалар ҳосил қилишлари учун махсус жиҳозланган 760 ўринли ўқув биноси, 29 та аудиториялар, 4 та лингафон хоналари, 2 та компьютер зали, 4 та лаборатория хоналари, Маънавият ва маърифат хонаси ўқувчилар ихтиёрида. Шунингдек, 34 мингга адабиётга эга ахборот-ресурс маркази (кенг, ёруғ кироятхона), тантаналар зали, замонавий спорт зали, чиройли жиҳозланган буфет, очик спорт майдони ҳамда 100 ўринли, ҳамма шарт-шароитлар яратилган ўқувчилар турар жойи (рес-

публикамаиз вилотларидан келган ёшлар учун), геохоборот ва кадастр маркази фаолият юритмоқда.

Хозирда коллежимизда 791 нафар ўқувчилар 7 та йўналиш: геохоборот тизимлар ва картография; менежмент; давлат кадастри; амалий геодезия; бухгалтерия ҳисоби; аэрофотограмметрия ҳамда ер тузиш ва ер кадастри мутахассисликлари бўйича тахсил олмоқда. Улардан 189 нафари битирувчилар. Эътиборли томони, 1929 йилдан буён техникум сифатида фаолият юритаётган мазкур таълим масканимизни (2003 йилда коллеж мақоми берилган) 10 мингдан зиёд мутахассислар битириб чиқиб, ҳаётга йўланма олганлар. Коллеж юртимизда геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган ягона ўқув маскани ҳисобланади.

Ерни ўлчаш, Ватанимиз худуди карталарини тузиш, ер тўғрисида маълумотларини тайёрлаш ва уларнинг маълумот банкни белгилаш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини расмийлаштириш соҳасида бугунги кунда юқори замонавий ахборот-технологиялари даражасида мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллежимизда 48 нафар малакали, касбига алоҳида меҳр қўйган педагог-ўқитувчилар жамоасининг меҳнатини алоҳида таъкидламоқчиман. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳамда уларнинг малакаларини доимий ошириб бориш масалалари давр талабига мувофиқ равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борада таълим масканимизга кейинги икки йил мобайнида олий ўқув юртидан битта фан доктори, профессор, 6 нафар фан номзодлари, доцентлар ўқувчиларимизга таълим бериш учун жалб

ЮРТИМИЗДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК ВА БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, ЁШЛАРГА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ОЛДИДАГИ МУҲИМ, АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. ИСТИҚЛОЛИМИЗ ТУФАЙЛИ БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ УШБУ СОҲАДА ҲАМ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҚАТОР ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

қилинди. Шу давр ичида замон билан ҳамнафас тарзда янги — ер тузиш ва ер кадастри ҳамда аэрофотограмметрия йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш учун ўқув базаси яратилиб, кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда биз коллежнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 2006 йилда ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш учун 38 минг сўм, ҳамда педагог-ўқитувчиларимизни рағбатлантириш мақсадларига 1 миллион 400 минг сўмга яқин маблағ сарфладик.

Тахсил олишининг замонавий, самарали йўллари қўлланган ҳолда, ўқувчиларимизнинг дарсларда олган назарий билимларини амалиётда синаб кўриш ҳамда мустақамлаш учун коллежимиз таъмурияти ўзaro манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган. Масалан, Геодезия ва картография Миллий маркази, Марказий аэрогеодезик корхонаси, «Ўздаврлойиҳа» институти, Тошкент шаҳар ер ресурслари давлат кадастри, «Жанубийллойиҳа» масъулияти чекланган жамияти, Тошкент таълим институти, «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси каби қатор корхона, ташкилотлар шулар жумласидандир. Ушбу идоралар билан ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш ишларини олиб бормоқдамиз.

Коллежимизда ўқувчиларнинг дарслардан бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, ўқиб давлари сермазмун, мароқли ўтиши учун талай ишлар амалга оширилмоқда. Аинқисса, спорт секциялари, касблар бўйича тўғрақлар фаолияти таҳсинга лойиқ. Ўқувчиларимиз туман, шаҳар, республика миқёсидаги танлов, кўриқлар, олимпиадаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Яқинда



«Таълим ва мутахассислик—2007» II Халқаро кўргазмасида ҳам муваффақиятли қатнашган таълим масканимиз махсус диплом билан тақдирланди...

Сирасини айтганда, жамоамизнинг доимий изланишлари замон талаблари даражасида ўқувчиларимизга билим бериш, танлаган касб-хунарларини пухта эгаллаб, малакали мутахассис бўлиб етишишларида, асосийси жисмонан бақувват ҳамда маънан етуқ инсонлар каби ҳаётда ўзларининг тўғри йўлларини топишларида муносиб ўрин тўтишлари учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент Геодезия ва картография касб-хунар коллежи ҳаётинан лавҳалар



Бандлик

ҲАР БИР ИШДА ФАОЛЛИК КЕРАК

МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЛЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 11 ТА ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗЛАРИНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТЛАРИНИ БЕЛГИЛАЙДИ. ХУСУСАН, БУГУН ЮНУСОБДУР ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ РАҲБАРИ НОЗИМА СУЛАЙМОНОВА ЎЗ ЖАМОАСИНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК МЕҲНАТЛАРИ САМАРАСИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛ ОХИРИГАЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР ҲАҚИДА ҚЎЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:

— Туманимизда 58 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 292,8 минг нафар фуқаро истиқомат қилади. Маҳалла ва туман бозорларида ўтказилган мониторинг натижаларига кўра меҳнат ресурсларининг сони 187600 та, меҳнатга лаёқатлилар сони 180100 нафар, доимий меҳнат билан банд бўлганлар 153600 нафарни ташкил этади. Жорий йил бошидан буён марказимизда фаол иш кидирувчилар сифатида рўйхатга олинганлар 2461 нафардан иборат. Жумладан, улардан 1328 нафари ёшлар ҳамда 1425 нафари аёллардан иборат. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иш жойлари қисқартирилиши натижасида ишдан бўшатиш ҳоллари 57,8 фоизга камайган.

Марказимиз томонидан 9 ой давомида 2292 (1299 таси аёллар) нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Бошқармамизга қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юбориш ишлари ҳам қатъий режа асосида амалга оширилмоқда. Хозиргача мазкур ўқув марказига 237 нафар фуқаролар ўқишга йўланма билан юборилди. Тўққиз ойлик режамиз 100 фоизга бажарилди. Шу ўринда айтиш кераки, биз ҳисобчи, ЭХМ оператори, компьютерчи, сартарош, тикувчи, менежер, ошпаз-кандолатчи, электр газпайвандчи каби касбларга ўқишга юборилган бўлсак, фуқаролар орасида касбини ўзгартириш ёки малакасини ошириш истагида бўлганлар кўпчиликини ташкил этади.

Туманимиздаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, вақтинча ишламаётган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 460 нафар фуқароларга ишсизлик мақоми берилди. Улардан 3 нафар фуқарога барвақт қариллик нафақаси тайинланди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 366 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди ва тўланди. 90 нафар фуқаро жамоат ишларига юборилди. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан 4405,9 минг сўмлик нафақа, 14155,1 минг сўмлик стипендия ҳамда 9680,8 минг сўмлик барвақт қариллик пенсиялари тайинланди, тўланди. Жами тўловлар 28241,8 минг сўмни ташкил этади.

Бугунги кунда тумандаги 430 та корхоналардан берилган маълумотларга кўра, 126 та корхонада 2134 та бўш иш ўринлари мавжудлиги аниқланди, улардан 1925 та махсус иш жойлари (квота бўйича) ташкил этилди. Жумладан, 395 таси ёшлар учун, 225 таси кўп болали оналар, 142 таси ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга, 830 та ноғиронларга, 101 таси жазо муддатини ўтаганларга, 167 таси қариллик нафақасига чиқиб учун ёши етмаган фуқароларга мўлжалланган. Ташкил этилган иш жойларига жорий йил бошидан жами 1070 нафар

фуқаро (жумладан, 290 нафари бизнинг марказ орқали) жойлашган.

Бундан ташқари, доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли билан ишлаш, фуқароларни ишга жойлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан, вақтинчалик бир марталиқ ишларни бажарувчи фуқароларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш, улар учун зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида «Вақтинчалик иш билан таъминлаш маркази» ўз фаолиятини юритмоқда. Рўйхатга олинганлар сони 1364 тани ташкил этади. Бир кунда ўрта ҳисобда вақтинчалик бир марталиқ иш топилганлар 95 нафардан иборат. Марказ фаолиятини жалдлаштириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда режавий ишлар амалга оширилмоқда.

Эътиборли томони, кейинги йилларда давлатимиз томонидан юртимиз иқтисодиётининг ривожига қаратилаётган эътибор, кичик корхоналар, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга яратилаётган қулай шарт-шароит ҳамда ҳуқуқий ҳимоя туфайли аҳолини иш билан таъминлаш кўрсаткичлари пойтахтимизда сезиларли ортди. Туманда 9 ойлик кўрсаткичларга кўра 4517 та янги иш жойлари ташкил этилди. Бу белгиланган истиқбол режадаги кўрсаткичларнинг 105,3 фоизини ташкил этади (унга кўра 4288 та янги иш жойлари яратиш белгиланган). Шунингдек, 3397 та иш жойлари (умумий яратилган иш ўринларига нисбатан 75,2 фоизи) хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда кичик корхона, фирмалар эвазига яратилди. Савдо ва умумий оқватлашиш, маиший хизмат, қурилиш, саноат, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда янги иш жойлари фуқароларга тавсия этилди.

Иш кидирувчиларга қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида йил бошидан марказимиз жамоасининг сайҳаракатлари билан 4 та «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Мазкур худудий ярмаркаларда жами 383 нафар фуқаро қатнашди ҳамда улардан 299 нафарига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди.

Ҳар бир ишда фаолият зарурлигини тўғри англаган жамоамиз келгусига белгиланган режавий ишларни қатъий амалга оширишни эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилади, деб ишонч билан айтаман.

Муқаддас УМАРБЕКОВА
СУРАТДА: Юнубод туман бандликка кўмаклашувчи марказ фаолиятинан лавҳа.
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Сўранг, жавоб берамиз

ҚАЙТА ИШГА ТИКЛАШАДИМИ?

Мен меҳнат қилаётган корхона таъмурияти мени оғохлантиришсиз, ҳеч қандай асоссиз, яъни ноқонуний ишдан бўшатди. Айтгинчи, ушбу ҳолатдаги шахслар қандай тартибда ўз ишига қайта тикланадилар.

Анвар Жасурбеков,
Юнубод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 11-моддасига мувофиқ, Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бузилиб, ишчи-хизматчи бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, фуқаро иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишга қайта тикланиши мумкин. Низоли ишни кўриш вақтида иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни бошқа ишга ўтказишнинг асосли эканлигини исботлаб бериши шарт.

Меҳнат кодексининг 142-моддасига биноан ходим ишга тикланганда иш берувчига унга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади. Жумладан, ишга чиқмаган вақти учун ҳақ тўлаш шартлиги (275-модда); меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги юзасидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар ҳамда маънавий зарар учун компенсация тўлашдан иборат (қамида уш ойлик иш ҳақи миқдоридан кўшимча ҳақ ундириб берилиши мумкин).

ҲУҶДАЛИК ЮРИТИШ УЧУН БЕРИЛАДИМИ?

Акциядорлик компаниясида ишлайман. Ҳозирда корхонамиз қосида яна бир шўъба корхонаси ташкил этилаётгани ҳақида хабар эшитдим. Ушбу шўъба корхоналарининг таъсисчилари кимлар бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Азиза Шаймирова,
Миробод тумани.

Бошқа корхона томонидан ўзига тегишли бўлган мол-мулкнинг бир қисмини тўлиқ ҳужалик юритиш учун унга бериш йўли билан юридик шахс сифатида ташкил этиладиган корхона, шўъба корхона, деб аталади. Ўз навбатида таъсисчи шўъба корхона Низомини тасдиқлайди ҳамда ушбу корхонага нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мулк эгасининг бошқа ҳуқуқларини амалга оширади.

СУД ОРҚАЛИ ТУГАТИЛАДИ...

Фаолият юритаётган фирма ўз-ўзидан тугатилиб кетиши ёки қайта ташкил этилиши мумкинлиги ҳақида билмоқчи эдим.

Аслиддин Ҳасанов,
Бектемир тумани

Қонун бўйича юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу қарорни қабул қилишдан олдин юридик шахс ўз муассислари ёки кредитдорларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этиши шарт ҳисобланади.

Бу ҳақда хабар топган кредитор юридик шахснинг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларини бекор қилишга ёки зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар юридик шахс қайта ташкил этилмасдан батамом тугатилаётган бўлса, унда ўз-ўзидан тугатилиб кетмайди, яъни олдинги фаолияти туфайли келиб чиққан барча мажбуриятлар (жумладан, ўзаро тузилган шартномалар) юзасидан жавабгарликни тўла равишда бажарганидан кейингина суд орқали тугатилади.

«АДОЛАТ» ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ БЎЛИБ ЎТД
УНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕЛЕГАТЛАР, ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ОЛИЙ МАҲЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ, ПАРТИЯДАН САЙЛАНГАН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭДИ.

Съездда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг биринчи котиби Дилором Шумуҳамедованинг маърузаси тингланди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, унинг ёш кишини бирлаштирган сафлари мустақамлашиб боргани таъкидланди. Партиядан сайланган 10 нафар депутат Олий Маҳлис Қонунийлик палатасида фаолият юритмоқда. зртия аъзолари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётди.

2007 йил 23 декабрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётда муҳим воқеа бўлиб, Ўзбекистонда амалдошириладиган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. у муносабат билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси жиддий сиёсий мактаб вазирасини тўғридан ва партиянинг бошланғич ташкилотлари учун ижтимоий-сиёсий етуқлик синови бўладиган, шунингдек, демократия тамойилларини амалда жорий этиш имконини бердиган сайловда қатнашишни ўзининг гоят муҳим вазифа деб билади.

Съездда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг биринчи котиби, ушбу сиёсий партиянинг Олий Маҳлис Қонунийлик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Шумуҳамедованинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг маърузасининг асосий астурий кoidalари муҳокама этилди.

Съездда, шунингдек сиёсий партия фаолиятига до бошқа масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли рапорлар қабул қилинди.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КАМПАНИЯСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА МУСТАЛЛ ДАВЛАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ МУҲИМ ВОСҚИ — МАМЛАКАТИМИЗНИ ФАОЛ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ДАВРИГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА
БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ДОИРАСИДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМ В ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ демократик партияси партиянинг барча аъзолари ва бошланғич ташкилотлари учун жиддий ижтимоий-сиёсий етуқлик синови бадиған мазкур сайлов кампаниясида фаол қатнашиш зарур, деб билади.

Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган съездда шу ҳақда сўз юритилганда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Олий Маҳлис Қонунийлик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия функционари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Съездда Ўзбекистон халқ демократик партияси сиёсий эътиборини ўз ишлари фаолаштиришга, бугунги кун 350 мингга яқин кишини бирлаштирган партия сафарини кенгайтиришга қаратаётгани алоҳида таъкидланди. Птиядан сайланган 28 нафар депутат Олий Маҳлис Қонунийлик палатасида фаолият юритмоқда. Партия аъзолари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаётди.

Съездда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Олий Маҳлис Қонунийлик палатасидаги фракцияси раҳбари Аслиддин Русмоғнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди. У йиғилганлари ўз сайловолди дастурининг асосий ҳақлари билан таништирди.

Съездда, шунингдек сиёсий партия фаолиятига до бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАРКАЗИЙ ОФИСЛАР САРОИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 14-21 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ҲИНДИСТОННИНГ ҲАЙДАРОВОВ ВА МУМБАЙ ШАҲАРЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН IV УМУМЖАҲОН ҲАРБИЙ ЎЙИНЛАРИДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛГАН ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛД.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р.Мизаев юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини, бунинг саараси ўларок, спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги муваффақиятлари салмоғи тобора ўсиб бораётганини таъкидлади. Буни ҳарбий спортчиларимиз эришаётган «каск натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Умумжаҳон ҳарбий ўйинлари — Халқаро ҳарбий спорт кенгаши (CISM) томонидан ҳар тўрт йилда ўтказиладиган мубоқақидир. Бу йил Ҳиндистонда ўтказилган мазкур тадбир дунёнинг 102 мамлакатидан тўрт мингдан зиёд ҳарбий спортчи ўн уч спорт тури бўйича галиблик учун куч синашди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари терм жамоаси аъзолари беллашуларда бешта олтин, икки кумуш ва етти та бронза, жами ўн тўртта медални ўлга қиритиб, умумжаҳон ҳисобида кучли етиликдан жойланди. Бу муваффақиятга боксчиларимиз улкан ҳисса қўганини алоҳида таъкидлаш лозим. Боксчиларимиз Баҳоди Мамамонов, Абдуғаффор Умаров, Равшан Худойназаров ва Элёрбек Гуломов олтин медалларга сазовор бўлди. Ўзбекистон чарм қўлқоп усталарида яна икки нафари — Шаҳриёр Исоқов ва Шароф Хусанов бронза медал билан тақдирланди. Ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари бокс бична терма жамоалар ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

— Юртимизнинг барча худудларидан бўлгани сираги Қуролли Кучлар тизимида ҳам спорт билан мунтаза шуғулланиш учун барча шароит яратилган, — дейди додочи, шартнома асосида хизмат-қилаётган оддий аскар ткир Қурбобов. — Илгари қўлга қиритган совринларнинг қатрига IV Умумжаҳон ҳарбий ўйинларининг олтин медал ҳам қўшилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан биз, ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятларга жавобан халқаро майдонларда давлатимиз байроғини янада баладрок кўтариш учун куч-ғайратимизни аяммайимиз.

Умумреспублика экологик ҳашари

ҲАМЖИХАТЛИКДА ЎТДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ ВА КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН «ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ»НИНГ 3- БОСҚИЧИ ТАДБИРЛАРИ ДОИРАСИДА «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН УМУМРЕСПУБЛИКА ҲАШАРИ БЎЛИБИ ЎТДИ. УНДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА 8 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ФУҚАРОЛАР ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Ҳашар иштирокчиларининг аксарияти иш жойларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, саноят ускуналарининг техник ҳолатини яхшилаш, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари ва бошқа профилактик ишларни амалга оширдилар. Қолганлари эса тозалаш ва ободонлаштириш, кузги дароҳт экиш ишлари билан машғул бўлдилар.

Шу куни 200 мингдан кўпроқ дароҳтлар оқланди, 25,2 минг тонна маийши, саноят ва маҳаллий чиқиндилар чиқариб ташланди. 3,6 минг километр узунликда ариқ ва зовурлар тозаланди, 1300 та объектиларнинг, жумладан канализация тармоқлари, очиқ сув ҳавзалари, зах ертўлаларнинг санитар

ҳолати яхшиланди. 9,5 мингта объектлар жумладан, болалар майдончалари ва мактабгача таълим муассасаларида, мактаблар ҳудудларида, бозорларда, умумий овқатланиш жойлари ва шохобчаларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғида «Олтин куз» шиори остида бўлиб ўтган мазкур экологик акцияда ҳам анъанага кўра дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, эколог олимлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар ҳамда «Экосан» ташкилоти фаоллари иштирок этдилар.

Шуни таъкидлаш ўринлики, мазкур боғ флораси хилма-хиллиги билан ажралиб туради ва бу ерда барча минтақаларга хос ўсимликлар мавжуд. Боғнинг коллекциясида 4,5 мингдан зиёд ўсимликларнинг турлари бўлиб, Шарқий Европа, Шимолий Америка, Марказий Осиё, Узоқ Шарқ, Европа, Кавказ дендрофлорасидан экспозициялар тарқиб топган. Иссиқхоналар ва оранжереяларда 800 турдаги тропик ва субтропик ўсимликлар етиштирилади. Шу сабабдан Ботаника боғини парвартириш қилишга катта эътибор қаратилади. Бугунги ҳашар иштирокчилари ҳам ушбу жараёнга ўз ҳиссаларини қўшганларидан мамнун эканликларини таъкидлаб ўтдилар.

Шу куни шаҳримизда ўтказилган экологик ҳашарда 2825 та корхоналар, ташкилот ва муассасалар, 627 мингга яқин аҳоли иштирок этди. Шаҳардан 1800 тонна маийший, саноят чиқиндилари чиқариб ташланди. 84,5 минг погонметр узунликда ариқ, зовур ва каналлар тозаланди, 6,2 минг туп дароҳт ва гул қўчатлари экил-




ди, 114 та механизм ва транспортлар ушбу тозалаш ишларига жалб қилинди. Жумладан, 1556 та объекларда, 355 яшаш жойлари ва истироҳат боғларида, 210 та мактаб ҳудудларида, 29 та бозорлар ва 732 та оммавий овқатланиш жойлари ва шохобчаларда ободонлаштириш, тозалаш ва саришталаш ишлари олиб борилди.

Ҳашар куни ҳазонлар ёқилишининг олдини олиш мақсадида уларни тўплаш, махсус ажратилган майдонларга ташиб бориш ҳамда йиғилган маийший чиқиндиларни чиқиндиҳоналарга олиб чиқиб кетиш учун техника ажратишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Умумреспублика ҳашаридан тушган маблағ «Ижтимоий Ҳимоя йили» дастурига асосан Оролбўйи ва бошқа экологик ноқулай ҳудудлардаги кам таъминланган оилаларга, ижтимоий объектиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида юборилган «Экосан» саломатлик поездларини ташкил қилишга иштирокчилар қўшган ҳиссаларини қўшганларидан мамнун эканликларини таъкидлаб ўтдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Ботаника боғида бўлиб ўтган ҳашардан лавҳалар.



Бу изланишлар жараёнида қўлга киритилган ютуқлар натижаси ўлароқ қатор дори-дармонлар юзга келди. Бугунги кунда халқ таъботида ишлатилаётган шифобахш дамламалар бир нечта хасталикларни даволашда малҳам бўлмоқда. «Сафро ҳайдовчи Ҳожиматов» деган ном олган қоривор мажмуа тиббиётда оммалашиб кетди.

Тиббиёт

ГИЁҲЛАР БИЛАН ТИЛЛАШИБ

ПРОФЕССОР ҚАҲҲОР ҲОЖИМАТОВ ТАНИҚЛИ БИОЛОГ ОЛИМ СИФАТИДА ЎСИМЛИКЛАР ДУНИСINI ЯҚИНДАН ТУРИБ ЎРГАНИБ КЕЛМОҚДА. АЙНИҚСА, ДОРИВОР ГИЁҲЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДАГИ ФАОЛИЯТИ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА.

сининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш марказининг етакчи олими Қаҳҳор Ҳожиматов ҳаёти ва

жўшқин фаолияти «Гиёҳлар билан тиллашиб» деб номланган нашрда ўз ифодасини топди. Уни Фан

нашриёти кўп нусхада босиб чиқарди.

Ақбар АЛИЕВ

Болалик йилларим эди. Хали ҳаёт дафтаримга унчалик кўп нарса ёзилмаган. Мана энди ёшинг бир жойга бориб қолганида, болагининг, гам-ташвишсиз дамларининг кўпроқ эслаб қоларкансан киши. Хотиралар, ўша пайтлардаги илк севи-муҳаббат туйғулари, турли хангомалар... Баъзан дўстлар ёки ўғил-қизларнинг даврасида ўтириб қолганимда гапдан-гап чиқиб, болалигимда шундай воқеалар бўлган эди, деб ширин хотираларингни сўзлаб берасан.

Ҳеч ёдимдан чикмайди. 1940 йил. Дахшатили уруш арафаси. Ўша кезларда Тахтапулдаги 22-мактабнинг 9-синфида ўқирдим. Кўп ўқитувчилар харбий хизматга кетиб қолишди. Жуда келишган Абдулла ака деган адабиёт ўқитувчимиз бўларди, у ҳам урушга жўнаб кетди-ю кейинчалик эшитсан, Абдулла ака урушда ҳалок бўлган эканлар. Биз ана вақт ўқитувчимиз қолдик.

Бир куни адабиёт дари эди, мактаб директори синфимизга бир ёшгина қизни етаклаб кирди. Эғнида атлас кўйлак. Ўшанда кам топиладиган, ноёб «жугут» атлас бўларди. Қўшиқда айтилганидек: «Атлас кўйлак ярашади қизларга, юрагингга ўт тушади кўрганда...»

— Мана бугундан бошлаб сизларга Мазлума Аскарובה адабиёт фанидан дарс берадилар, — деди директориним.

Вой-бўй, намунача чиройли экан. Шу ёшгина аёл бизга дарс берадими-а? Қўзимиз ўша ошуфтаҳол гўзал, хушбичим қизда эди.

Ўшанда мен иккинчи партада меҳрибонлик уйдидан келган Муҳаббат исми киз билан бирга ўтирдим. Муҳаббат: «Ха, намунача гилай бўлиб қолдингиз», деб қўйди, гўё рашк қилгандай.

Мен эса индамайгина кулиб қўяман. Қизлар биз, йигитларни ҳақиқатан ҳам рашк қилишарди чамамда. Бундай ўйлаб қараганда орамизда уларнинг ўз танлаганлари ҳам бор эди-да.

Ўқитувчи у ёққа, бу ёққа ўтса ҳам қараймиш. Доскага ёзса ҳам ундан қўзимизни уза олмасдик. Негадир шу қизга нисбатан менда ҳам ажиб бир нозик ҳиссиёт уйғонгандай, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатардим.

Шунда ўқитувчимиз асосий дарсни ўтиб бўлган: «Бугун сизларга бир топширқк бермоқчиман, машхур шоиримиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг бир чиройли газалини сизларга айтиб туриб, ёздираман, уни фақат бехато кўчириб олинглар», деди. У шундай бошланарди:

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райхонидур, Гунча сиррин очқон ул ики лаби хандонидур... Хуллас, уни ҳаммамиз дафтаримизга ёзиб олдик. Вазифа — газалини яхшилаб ёдлаб олиш эди.

Ўшанда Сабзордаги Тахтапул кўчаси, 94-уйда онам билан бирга яшардик. Кўчамиздан 6-трамвай юрарди. Мактабга баъзан трамвайда, баъзан пиеда борардим. Онамнинг «Сингир» деган «попоп» машиналари бўлиб берардилар. Машинанинг овози жуда каттик эди. Кўпинча дарс тайёрлаганимда оймидан тикишни бироз тўхта-тиб туришларини илтимос қилардим. Отам бўлсалар ширкат ҳўжалигинда хисобчи бўлиб ишлаганлари учун кўпроқ Юнусобод қишлоғидаги дала боғимизда турардилар.

Мазлума опа адабиёт фанидан дарс бера бошлагач, ўқитувчимга ҳурмат юзасидан, ўзимга яқин олганим ва унга яқин кўри-иш учун уйда шундай шароит бўлишига қарамай, ўша газалини кўнт билан ёдлай бошладим. Газалини овозимни банд қилиб қўйиман:

Сел эмасдур ер юзун тутқон кўзумнинг ёшидур, Раъд эмасдур кўкка чирмашқон кўнгул афгонидур. Ложарам бўлмай паршишону ҳавойи мен қиби, Зарра янглим ул қиби хуршеди саргарданидур. Онам машинани тўхтайтиб, кўзойнак устидан менга қараб: — Кимнинг газалини ўқиясан, — дея сўрадилар. — Бобурники, адабиёт ўқитувчимиз ёдлашга берганлар, — дедим.

Онам ўринларидан туриб «Рад» эмас, ўртасида айриши

белгиси бор. «Раъд» деб ўқигин, дедилар.

Ахир, онам ўқимишли, чор китобларни кўп ўқиган аёл эдилар-да. Яна ўтириб, газалини қайта ўқийман. Мактабга борганимча ҳам уни такорлаб кетардим.

Кўчада кетаялман, елкамга жид осиб олганман. Газалини йўлма-йўл ёддан қайтараман: «Гул жамолин ёпқон ул...» Ёнимдан ўтиб кетаётган мўйсафид менга тикилиб қолди.

— Ха, ўғлим, нимани ўқиясан, — деди у.

— Бобурнинг газалини, — дейман.

— Балли, ўғлим, барака топ, — дея чол қўлини дуога очди.

Қарасам, дарс бошланганига оз вақт қолибди, қадамимни тезлаштириб кетаман.

Мен интиқиб кутган кун ҳам келди. Адабиёт дарси бошланди. Оламиз ўтган кундангидан-да ҳам гўзал бўлиб кийиниб келибдилар. Эғнида оппоқ қордешини қўйлаб. Оппоқ қўйлақда яна ҳам очилиб кетибдилар, кўзимни узоқламайман. Ўқитувчимга бўлган муҳаббатим янада ортгандай...

Мазлума опа бир қизни турғизиб вазифани сўрадилар. Мақтаба газалини ёддан айтиб берди. Лекин ҳар бир мисрада хато қилгани учун ўқитувчимиз ўша жойларини турғизиб турдилар. Қўлимни кўтараман, лекин менга ҳеч қарамайдилар. Шу газалини ёдламан деб кинога ҳам, футбол ўйнашга ҳам бормадим. Фаттоҳ деган ўқувчини турғизган эдилар, у ҳам газалини тўла ёдлай олмабди, уэр сўради. Мен бўлсам қўлимни туширмай тураман, қани энди эъти-

АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИМ (бадиъ)

бор қилсалар, кейин яна бир-икки боладан сўрадилар. Улар ҳам анчагина хато билан ўқиб беришди. Қани энди мени ҳам турғизсалар, яна қўл кўтараман. Хуллас, ўша куни менга наваб келмади. Кейин бошқа мавзуга ўтиб, янги дарсни бошладилар...

Дахшатили уруш бошланди. Ўқитувчиларимизнинг кўплари фронтга кетиб қолишди, мактабимиз ҳам ёпилди. Бизни Охангаронга жўнатишди. Бугдойга «черепашка» деган кўнғиз тушиб кетган экан. Шаҳарлик ўқувчилар офатни йўқ қилиш учун ўша ёққа жўнаб кетишди. Бизларни энди қишлоқ мактабининг спорт залига жойлаштиришди. Ҳар куни шишани кўтариб қирга чиқамиз. Харчанд ҳаракат қилсан ҳам, шиша қурғур тўлмасди. Чунки тўлдирган ўқувчи ётоқхонага бориб, дам олиши мумкин эди-да.

Шундай қилиб бир ой давомида иссиқда азоб чекиб кўнғиз тердик. Ўша дамларда ҳам адабиёт ўқитувчимиз топширган Бобур газалини қайтараман. Ўқитувчим ёдимга тушади. Энди уни кўролмайман. Ахир мактабларда ўқишлар тўхтаб қолди-ку. Бир куни Топил деган йигит кўнғиз солган идишни топширмаган экан. Кечаси ишонинг оғзи очилиб, кўнғизлар ҳаммамизнинг ичимизга кириб кетса бўладими. Уни қайтадан қайтариб ишлага жойлаб, Топилни сўйиб-сўйиб, идишни қайтариб бердик.

Тақдир тақозоси билан ўзини синф бўлмаганили учун қишлоққа чиқиб, жамоа ҳўжалигига ишлаб юрдим. Ўшанда ҳам Бобур газалини ёддан чиройли қилиб ўқийман. Яна адабиёт ўқитувчим ёдимга тушади.

Ўшанда бир дўстим менга хушхабар келтирди: «Нима дейсан-у тўққизинчи синфни тамомаданларни Тошкент давлат юридик институтига қабул қилармиш» деб қолди. Бахтим очилиб ўқишга кирдим. Кейин олийгоҳни тамома-леғач, аспирантурада ўқидим. Тақдир тақозоси билан га-зетага ишга ўтиб кетдим.

Қарангки, йиллар ўтди. Бир куни дўстим Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг раиси Убайдулла Иброхимов телефон қилиб, «Сизни бир жойга меҳмонга олиб бора-ман», деб қолди. Кейин билсам, олийгоҳда бирга ўқиган

курсдошларининг туғилган куни экан. У аёл филология фанлари доктори, профессор бўлиб, Низомий номидаги педагогика университетида кафедра мудири бўлиб ишларкан. Умр йўлдоши эса тиббиёт фанлари доктори, профессор, машхур ренгенолог олим экан. Убайдулла ака «Бу аёл профессор Мазлума Аскарובה бўладилар» деб менга таништирди. Юрагим шиг этиб кетди. Кўз олдимга ўша, уруш арафасида бизга адабиётдан дарс берган ўқитувчим келди. Унинг чеҳрасида мен ўз болагимнинг кўрдим. Кечаян-кундуз кунт билан Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ўша машхур газалини ёдлаган дамларимни эсладим.

Аммо уй бекаси ўша пайтда мени ўзининг ўқувчиси эканлигини хатто хаёлга ҳам келтирмаган эди. Чунки ҳаммаси бўлиб икки-уч ой бизга дарс берган эди-да. Зеро, олина менга республикамиздаги энг катта газетанинг муҳаррири ва шу билан бирга қатор кўсалар муаллифи сифатида қарарди. Чунки Мазлума ошанинг адабиётга оид ёзган дарслигида кўп қиссаларим тахлил этилганди.

Даврада ширин сўхбат кетарди. Ҳамма олимани табриқлади. Кейин менга ҳам сўз навабти келди.

Ўримдан туриб, ўзимни тутиб: «Азиз дўстлар, хозир сизларга шу муборак кечада бир сирни очмоқчиман» дедим. Ҳамма хайрон, нима сир экан деб.

— Агар билсангиз, Мазлума Аскарובה менинг адабиёт ўқитувчим бўладилар.

Она хайрон бўлиб қолдилар. — Мазлума опа, эслайсизми, уруш йиллари арафасида бизга адабиёт ўқитувчиси бўлиб боргансиз, ўшанда бизларга Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг газалини ёдлашга берган эдингиз. Энди истингиздан бу ерда ўтирган дўстларимга шикоят қилмоқчиман. Ўшанда кечалари ухламай, уйкуми ҳам тарк этиб ўша газалини ёдлагандим. Сиз бўлсангиз, бир неча бор қўл кўтарсам ҳам мenden сўрамагандингиз.

Ҳамма кулиб, чапақ чалиб юборди. Мазлума опа ҳам хайрон, мени эслай олмайдди, энди катта йигит бўлиб, танимайдиган ҳолатда эдим-да! Чамамда олина эс-эс ўша иккинчи партада ўтирган ёш ўқувчисини кўз олдига келтираётгандек туюлди менга. Мен бўлсам ўқитувчимнинг олийгоҳлар талабалари учун ёзган ўзбек тили иншоининг амалиёти ҳақида битган дарслик китоби ва бошқа илмий асарлари, мақолаларини ҳам ўқиганман.

— Хозир кўпчилик йиғилган дўстлар олдига сизга энди имтиҳон топширмоқчиман, — деб ўша газалини ёддан охиригача ўқиб кетдим.

Газалини тўла ўқиб бўлганимдан кейин Мазлума опа ёнимга келиб, қучоқлаб миннатдорчилик билдирдилар. Кейин: «Сизнинг баҳонингиз «беш», газалини ҳеч бир хатосиз ўқиндингиз» дедилар.

Шу учрашувдан кейин бир неча йил ўтгач, ёзувчи-шоирлар билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига учрашувга бордик. Менинг адабиёт ўқитувчим катта олина Мазлума Аскарובה ҳам учрашувга келган эканлар. Талабалар асарларимни ўқишган экан мени саволларга қўлиб ташлашди. Учрашув сўнггида имкониятдан фойдаланиб, ёшларга Мазлума опа билан боғлиқ ўша хотираларимни ҳам сўзлаб берганман.

Мазлума Аскарובה катта олина, бир неча илмий китоблар муаллифи. Хозир роҳат-фароғат ёшидалар. Азиз адабиёт ўқитувчимни ҳамон эслайман. Ўша газалининг қўшигини гоҳо-гоҳо радио тўқинларига эшитиб қолганимда болалигим, саодати кунларим ва адабиёт ўқитувчимни эслайман. Энг муҳими, мана шу саксон ёшимда ҳам тафаккуримдан бир фикр ҳеч кетмайди, балки адабиёт оламига кириб келишимга ҳам ўша соҳибжамол, оқила ўқитувчим сабабчи бўлганмикан, деб қўнғлимдан ўтказаман.

Тадбирлар

УСТОЗЛАР ИЛМИ— ЁШЛАРГА САБОҚ

БАРЧАМИЗНИНГ ВОЯГА ЕТИБ, КАМОЛ ТОПИШИМИЗДА ОТА-ОНАМИЗ ВА УСТОЗЛАРИМИЗНИНГ ХИЗМАТЛАРИ КАТТА. ҲАР ИККИСИ ҲАМ ЭРТАНГИ КУНИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЙЛАБ, БИЛИМ ОЛИБ, КАМОЛ ТОПИШИМИЗ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРАДИЛАР. УСТОЗЛАРИМИЗ ОТА-ОНАЛАРИМИЗ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, ЕЛКАМА-ЕЛКА ТУРИБ, КОМИЛ ИНСОН БЎЛИШИМИЗДА ЎЗЛАРИНИНГ МЕХНАТЛАРИНИ СИРА ҲАМ АЯМАЙДИЛАР.

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза ҳамда Юнусобод тумани бўлимлари ташаббуси билан 143-мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Раъно опа Нурметова ҳамда ТошДАУ қошидаги Республика гимназияси бошланғич синф ўқитувчиси Хайринисо опа Холматовалар билан қизиқарли учрашув ташкил этилди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки талабчан, билимдан, жонқур устоз Хайринисо опа Холматова ушбу гимназия ташкил топган йиллардан бошлаб, шу кунга қадар ўзининг ширинсуханлиги, болаларга юқори педагогик маҳорат билан дарс ўтишлари туфайли, ўқувчи ёшлар ўртасида катта обрў-эътиборга эга.

Устозлик фаолиятини чуқур ўрганиш истагида ушбу тадбирга келган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини талабалари устоз-мураббийлардан ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб олишда ҳамда бу икки устозлар изидан бориб, етук мутахассис бўлишга ваъда беришди.

— Давлатимиз томонидан таълим соҳасини ривожлантириш борасида яратилиб берилган имкониятлар биз устозларнинг ғайратимизга ғайрат қўшиб ишлашимизга ёрдам бермоқда. Гимназиямизда яратилган барча қўлайлик, шарт-шароитлар болажонларимизнинг билим олиб камол топишлари учундир,— дейди Хайринисо опа.

Раъно опа Нурметова бугунги ўтказилган тадбир ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди: Ёшлар билан бундай учрашувнинг ташкил қилиниши бизни жуда ҳам хурсанд қилди. Бунинг учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза ва Юнусобод туманлари бўлимлари ва «Бунёдкор» ёшлар телеклубига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Устоз-шоирларнинг баҳс-мунозарали, тортишувларга бой бундай фикр алмашилари келгусида албатта яхши натижалар беради.

Маъруф ХўЖАКУЛОВ, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНЕСКО — ФАОЛ ҲАМКОР

МАМЛАКАТИМИЗ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА. АЙНИҚСА, ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН БМТНИНГ ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТИ – ЮНЕСКО ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА. ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ГУМАНИТАР СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ДУНЁ МИҚЁСИДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҲИССА ҚўШИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН ЮНЕСКО ТАШКИЛ ТОПГАН 1946 ЙИЛДАН БУЁН ЎТГАН ДАВРДА КўПЛАБ ХАЙРЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА. У МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, УМУМИНСОНИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ҲИМОЯТГА БИЛАН ШУҒУЛЛАНДИГАН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТДИР.

Хозир ЮНЕСКОга икки юзга яқин мамлакат аъзо. Ташкилотнинг асосий мақсади халқлар ўртасида таълим, фан ва маданият, шунингдек, ахборот соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ташкилотга аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиялар тўзилган. Улар мазкур соҳаларни ривожлантириш учун масъул муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, ЮНЕСКО алоқа ўрнатган олти юзга яқин нодавлат ташкилот ҳам унинг дастур ва лойиҳаларида фаол иштирок этади. Турли мамлакатлардаги олти мингга яқин мактаб ташкилотнинг Бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлган. Бу мактабларда таълим дастури билан бир қаторда бағрикенглик, тотувлик ва ҳамкорликнинг аҳамияти каби эзгу гоёларга бағишланган қўшимча дарслар ўтилади. ЮНЕСКОнинг беш мингга яқин клуб, уюшма ва маркази эса ташкилот томонидан илгари сурилган гоёларни тарғиб этишга хизмат қилмоқда.


Мамлакатимиз ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилда пойтахтимизда унинг ваколат-хонаси иш бошлади. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб келганини, ҳамкорликда кўплаб самарали лойиҳалар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 1998 йилда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессиясида Президент Ислом Каримов ташкилотнинг олий мукофоти — «Абу Али ибн Сино» олтин медали билан тақдирланди. Давлатимиз раҳбарига ЮНЕСКОнинг «Боробудур» олтин медали топширилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, маданият ёдгорликлари, тарихий обидалар, муқаддас қадимжоларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш ҳамда аждодларнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Амир Темуэр таваллудининг 660 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари, «Алпомиш» халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 ва Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйлари, жорий йилда эса Самарқанднинг 2750 ва Марғилоннинг 2000 йиллиги нишонлангани ана шундай улғувор ишлардандир. Бундай тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро миқёсда кенг нишонланди.

ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўплаб маданият тадбирларнинг меҳмони, фаол ташкилчиси ва иштирокчиси. Ташкилот қатор икки йилда бир марта Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида мунтазам қатнашиб келади. 2000 йили Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида ЮНЕСКОнинг «Шарқ тароналари» мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Жорий йилда ўтказилган навабдаги фестивалда ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан қатнашди.

2003 йилда ташкилот томонидан «Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги» эълон қилинди. Ушбу ташаббус доирасида мамлакатимизда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда — аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Кўплаб мутахассисларимиз ЮНЕСКО ҳузуридаги Таълимни режалаштириш институтида малака ошираётир. Ташкилот қатор жағмарга ва ўқув юртлири билан ҳамкорлик орқали юртимизда ахборот технологияларини ривожлантириш жараёнида ҳам фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистондаги ўттизга яқин мактаб, гимназия, лицей ва коллеж ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури доирасидаги тадбирларда қатнашаётир. Мамлакатимиз ушбу дастурни муваффақиятли амалга оширг



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Айтурларким, бир обид бир кечада ўн ботмон таом ерди ва тонг отгунча Куръонни хатм қилур эрди. Они бир соҳиб дил эшитиб, деди: "Агар ярим нонни еб тонг отгунча уйкуласа эрди, ул микдор таом еб, Куръон ўқугандин лойикрок ва яхшироқдур".

Дўстни кўрмакка бормоқ айб эмас,
Лек безор ўлгудек кўб бормоғил.
Қил муҳаббатни фузун кам-кам бориб,
Бехуда ортуқсан, ранж ахтармағил.

Эйки қилдинг ўзингни банди аёл,
Эмди осудаликни қилма хаёл.

Даҳр аро гар пир бўлсун, гар мурид,
Софдил бўлсун, нечуким Боязид.
Чунки дунё сори майл этти аён,
Сўнг халос ўлмоқ анго қилма гумон.

Рағбатинг бирла эшит олим сўзин,
Гар мувофиқ қилмас ул сўзга ўзин.
Муддаийларнинг бу сўзин билма чун,
Ким дегайлар зоҳирида қахру кин.
Хар кишиким, ўзи уйкуда ётур,
Уйкуда ётгонни найлаб уйготур.
Мард улдуким, амал қилғой онга,
Панд агар ёзилса бир девор аро.
Зоҳид ўзни зўр бирла кутқарар,
Неча гумраҳларни олим бошқарур.

Гар гадо саркарда бўлса лашкари исломга,
Илтижоси биймидин кофир қочар то Чинғача.

Шижоат бирла зўру мардликни ҳеч лоф урма,
Ки то нафс олдида ожиз бўлб,
хотиндек ўлтургунг.

Агар мард эрсанг этгил талхком оғзини сен ширин,
Эмасдур мардлик улким, биров оғзига тош ургунг.

Бир ҳақимдин сўрдиларким: "Саховат яхшироқму ва ё шижоат?" Ҳақим деди: "Саховат бўлса, шижоатга ҳоҳат йўқдур".

Кимки нон ер чекиб ўзи меҳнат,
Чекмағай Ҳотам илқидин миннат.

Кўб молдин оз жамол яхшироқдур.

Ким юзига очар савол эшикин,
Ўлгунча ул ниёманд бўлин.
Ҳирсни ташла, подшоҳлиг қил,
Бетамъ эл боши баланд бўлур.

Кишиким бор эса яхшилиқ қилиғлик,
Қотиғлик бийминдин чекмас қотиғлик.
Тараб қил, ончаким бор эрса матлуб,
Емак тонгла гамин бугун эмас хўб.

Унинг онингдек этар халқга хароши дил —
Ки, теша онча йўна олмоғуси тошдин гил.

Бўлмағай дўст дўстдин безор,
Кўрса гар юз жафо ва минг озор.

Шаппар ўлса куёшдин безор,
Синмоғуси куёшга бозор.

Сизнинг бори вақтингиз ўтубдур,
Бизнинг доғи ўтимиз ўчубдур.
Гар қилсангиз эмди неча тадбир,
Бир заррача қилмағуси таъсир.

Нечук ишқ ичра бўлғай ул киши шод —
Ки, қотиғликда ёрин айламас ёд.

Югуриб ета олмай қолгондин,
оҳиста юруб боргонлик яхшидур.

От не ерга шитоб ила борса,
Юруб оҳиста тева доғи борур.

Ҳеч сайқал сафо бера олмас
Ҳар темирғайки бадғуҳар бўлғай.
Етти дарёда итни гар юсонг,
Нажас аввалгидин батар бўлғай.

Ота меросини гар истасанг,
ўрган ота илмин —
Ки, қолган мол отадин саҳл
муддатда тамом ўлғай.

Кўрмаса ёшлиқда кимса адаб,
Топмағуси нажот бўлса улғур.
Бўлғуси хўл яғоч илик била рост,
Бўлмағай ўтга солмай ўлса курур.

Кўб итубу хитоб айламағил,
Бўлса гар хизматингда бир банд —
Ки, қиёматда бас қотиг ишдур,
Банда озоду хожа шарманда.

ОГАҲИЙ таржималари
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Касаба уюшмалари фаолиятидан

ОММАВИЙЛИК — МУҲИМ НАТИЖА

МЕҲНАТКАШЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН ҲИСОБЛАНДИ. БУ БОРАДА ҲАР ЙИЛИ РЕЖА АСОСИДА МУАЙЯН ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.

Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг «Меҳнаткашлар ўртасида «Саломатлик» Республика спартакиадасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раёсатининг қарори билан «Саломатлик» шаҳар спартакиадаси корхона, ташкилотларда, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотларида босқичма-босқич ўтказилди. Мазкур мусобақаларда голиб чиққан иштирокчилар, жамоалар ўртасида шаҳар миқёсидаги босқич — финал беллашувлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Яккасарой» спорт маъмурида бўлиб ўтди. Спортнинг мини-футбол, стритбол, стол тенниси, оилавий беллашувларда, «Алпомиш ва Барчиной» тестлари бўйича тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотларидан келган 12 та жамоадаги 216 нафар иштирокчи қатнашиб, жамоанинг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилди. Яшил майдонда қизғин кечган мurosасиз баҳслар оммавийликдан махорат сари ўсиш юзига келганини кўрсатди. Спартакиаданинг диққат марказини эгаллаган мини-футбол бўйича мусобақалар гога қизиқарли, шиддатли тус олиб, голиб ва совриндорлар аниқланди. Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси шаҳар кенгашининг «Тадбиркор» жамоаси йигитлари

бор куч-ғайрати, маҳоратини ишга солиб, спартакиада голиби бўлдилар. Фахрли иккинчи ўринни Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшма кўмиталари раислари шаҳар кенгашининг «Автомобилчи», хурмат шохсупасининг учинчи погонасини эса «Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшма кўмиталари раислари шаҳар кенгашининг «Машинасоз» футбол жамоалари эгалладилар. Стол тенниси бўйича эркаклар ўртасидаги баҳсларда «Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшма кўмиталари раислари шаҳар кенгаши вакили Наталья Волгунцова голиб чиқди. «Алпомиш ва Барчиной» тестлари бўйича 30-34 ёшдаги қатнашчилар ўртасидаги баҳсларда «Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшма кўмиталари раислари шаҳар кенгаши вакили Алишер Алимов ҳамда мазкур тармоқ спорт шарафини ҳимоя қилган Индира Кочарёва зафар қозондилар. «Алпомиш ва Барчиной» тестлари бўйича 35 ёшдан ошган иштирокчилар ўртасидаги беллашувларда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгашининг вакили Ҳабибулла Шукуров, аёллар ўртасида эса энгил, мебель саноати ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгашининг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган Марина Попова биринчи ўрин-

ни қўлга киритдилар. Аёллар ўртасида стритбол бўйича баҳсларда «Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшма кўмиталари раисларининг шаҳар кенгаши вакиллари зафар қозониб, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши спортчилари фахрли иккинчи, Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшма кўмиталари раислари шаҳар кенгашининг вакиллари учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Голиблар Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг дипломи, эсдалик совғалари билан, иккинчи, учинчи ўрин соҳиблари эса дипломлар билан тақдирландилар. Спартакиада голиблари Бухоро шаҳрида шу ойда бўлиб ўтадиган «Саломатлик» спартакиадасининг Республика босқичида Тошкент шаҳрининг спорт шарафини ҳимоя қилдилар.

Улуғбек ПЎЛАТОВ
СУРАТЛАРДА: «Саломатлик»
спартакиадада шаҳар босқичидан лавҳалар



2007— Ижтимоий ҳимоя йили

КЕРАКЛИ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Яқинда кўзи ожизлар жамиятининг ташкил этилганига 75 йил тўлиши муносабати билан катта анжуман бўлиб ўтди. Унда олий мажлис сенати, республика вазирлар маҳкамаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Нуроний» жамғармаси, энгил, мебель саноати ва коммунал маиший хизмат тармоқ касаба уюшмаси, бутун Россия кўзи ожизлар жамияти ҳамда жойлардаги вилоят бошқармаларидан келган вакиллар ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Тадбирни Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти бошқаруви раиси Ё.Жавлонов очар экан, ўтган вақт мубоайида жамият томонидан босиб ўтилган йўл ва Истиқлол йилларида эришилган ютуқларга тўхталиб ўтди. Таъкидлаш зарурки, бундан 75 йил аввал асос солинган жамият дастлаб ўз ишини жойлардаги маҳаллий округ бўлимлари, кичик чехлар ва хунаремандчилик устaxonлар фаолияти билан бошлаган бўлса, эндиликда унинг таркибида 12 та вилоят бошқарувлари, 51 та ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари, дам олиш масканлари, болалар оромгоҳлари, маданият марказлари, реабилитация марказлари, тўғрақлар, интернет-мактаблар, касб-хунаремандчилик коллежлари ва ўнга яқин ёрдамчи ҳўжалиқлар фаолият кўрсатмоқда.

Йиғилишда мустақилликка юз тутганимиздан сўнг кўзи ожизлар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси ҳўкуматимизнинг асосий диққат марказида бўлганлиги алоҳида қайд этилди. 1991 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун

ва ногиронларни реабилитация қилиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кўчайтиришга доир ўнга яқин муҳим ҳўжатлар қабул қилинганлиги шулар жумласидандир. Мана шу йилнинг самараси ўлароқ бугунги кунда ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларга алоҳида эътибор қаратиш билан бирга, жамият бошқаруви таркибидagi корхона ва ташкилотлар фаолияти ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти қонидaги «Жавлон-пласт», «Тошкент чўтка» ва бошқа ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ўқув корхоналарида ўндан зиёб турдаги тикув маҳсулотлари, мебель, йўлак гиламчалари, калава ип, бўз, кўрпа-ёстиқ сингари халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳўжми ўтган йилларга нисбатан бирмунча ортди. Чунончи, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойлик даврида 3.356 миллион сўмлик ўрнига, 3 миллиард 626,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Тўғри, тармоқда эришилётган ютуқлар билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган ва

ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Аммо баҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли ушбу муаммолар аста-секинлик билан бартараф этиб боришмоқда. Бу эса ўз навбатида мажҳуд корхоналарнинг қаддини тиклаш имкониятини бермоқда. Ортирилган маблағларнинг бир қисми жамият аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилмоқда. Жорий йил давомида дам олиш йиллари ва сиаҳаттоҳларга 556 та, болалар оромгоҳларига эса 96 та йўлнамалар берилди. Бундан ташқари, юздан зиёб спорт мусобақалари, концертлар ташкил этилди. Йил якунига қадар эса бундай ижтимоий ҳимоя чораларини янада кўчайтириш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, ЎзКОЖ ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳўлидан хабар олиш, меҳнатга яроқликларга иш ўринлари яратишда салмоқли натижаларга эришмоқда. Тадбир давомида сўзга чиққанлар ана шу ҳақда ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

(Ўз муҳбиримиз)

Спорт янгиликлари

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ ГОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР!

МАКАОДА ЁПИҚ ИНШООТЛАРДА
ЎТКАЗИЛАЁТГАН II ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ
ДАСТУРИДАН ЖОЙ ОЛГАН ЭРКАКЛАР ВА
ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДАГИ ФУТЗАЛ
БЕЛЛАШУВЛАРИ ҚИЗГИН ДАВОМ
ЭТМОҚДА.

Хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси голибликка асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Таиландда ўтказилган ёпиқ иншоотлардаги I Осиеё ўйинларида голиб чиққан футзалчи қизларимиз бу йилги мусобақада "В" гуруҳидаги дастлабки учрашуви Вьетнам терма жамоасига қарши ўтказди.

Кескин ва мurosасиз курашларга бой бўлган учрашууда кўчлар тенг келди. Беллашууда ҳисобни очиб вьетнамлик футзалчиларга насиб этган бўлса-да, терма жамоаси сардори Камола Усмонова икки аниқ зарба билан вакилларимизни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Шунингдек, ўзбекистонлик футзалчи қизлардан Олия Аҳмедова ҳамда Маҳлиё Сарикова ҳам рақиб посбонини ўз дарвозасидан яна иккита тўп олиб чиқишга мажҳур қилишди. Бирок, ўйиннинг қолган дақиқаларида ҳамюртларимизнинг хотиржамликка берилиши оқибатида рақиб жамоа вазиятини тенглаштирди — 4:4.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда эса жамоалар иккитадан учрашуу ўтказди. Ёпиқ иншоотлардаги I Осиеё ўйинларида иккинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси футзалчилари қўтгамизнинг энг кучли жамоаларидан бири ҳисобланган японияликлар билан дуран ўйнади. Учрашуу кескин ва мurosасиз ўтишига қарамай, ҳар икки терма жамоа посбонлари ўз дарвозаси дахлизилгини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Футзалчиларимиз билан бирга «В» гуруҳида тўп сураётган Вьетнам терма жамоаси эса ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг устунигини тан олишга мажҳур бўлди.

Ҳамюртларимиз тажриба ва маҳорат бобида вьетнамликлардан анча устун бўлса-да, рақиб жамоа асосий эътиборини ҳимояга қаратгани боис футзалчиларимиз ҳисобни очиб учун анча вақт сарфлади. Ниҳоят, биринчи бўлимининг ўрталарида Шавкатбек Мухаммаднинг Вьетнам терма жамоаси дарвозасини ишғол қилди. Танаффусгача Шухрат Тожибоев вакилларимизнинг иккинчи голини киритиб, ўйинда бурилиш ясади.

Беллашувнинг иккинчи ярмида ҳўжумни кўчайтирган ҳамюртларимиздан Бахтиёр Охунбоев иккита, Андор Элибоев, Шухрат Тожибоев ҳамда Жавлон Аноров билан гол уриб, Ўзбекистон тер-

ма жамоасининг 7:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади. "В" гуруҳидаги яна бир учрашууда япониялик футзалчилар Сянган терма жамоасини 3:0 ҳисобда мағлубиятга учратди. Мусобақа давом этмоқда.

БОКСЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ НУFUЗЛИ
ЙЎНАЛИШЛАРИДАН ҲИСОБЛАНГАН
ЖАҲОН БОКС ТАШКИЛОТИ (WBO)
ДУНИЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ЧАРМ ҚЎЛҚОП
УСТАЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ
ОКТАБР ОЙИДАГИ ЯНГИ РЕЙТИНГ
ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

WBO рейтингининг юқори погоналаридан икки нафар ҳамюртларимиз — Кўвончбек Тойгонбоев ва Қаҳрамон Орзиқулов ҳам жой олган.

Профессионал боксчилик фаолиятини бундан ўн йил муқаддам бошлаган Кўвончбек Тойгонбоев вази 69,8 килограмм бўлган профессионал боксчилар ўртасида тўртинчи ўринда қайд этилди. Адиджон бокс мактаби тарбияланувчиси Жаҳон бокс ашилотининг "Asia Pacific" - "Осиеё Тинч океани" минтақаси чемпионлик камари соҳибни ҳисобланади.

Мазкур унвонни 2006 йилнинг декабрида чилилик Жоел Себастьян Майяга қарши ўтказилган жангда қўлга киритган ҳамюртларимиз бу йил чемпионлик камарини уч мартаба муносиб ҳимоя қилди. Кўвончбек Россияда ташкил этилган жангларда олтин камарга даъвогарлик қилган мезбон босчи Аҳмад Олигов, танзанийлик Ҳасан Матумлини, Бекободдаги баҳсда грузиялик Звиади Пуртсхваидзени мағлубиятга учратди.

Фаолияти давомида ўттиз учта жанг ўтказиб, шулардан ийигирма тўққизтасини ўз фойдасига ҳал қилган 31 ёшли Кўвончбек Тойгонбоевни профессионал бокс мутахассислари WBO йўналишининг 69,8 килограмм вази тоифасида жаҳон чемпионлиги асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этишмоқда. Ҳозирча, чемпионлик камари белааруслик Сергей Данизирукка тегишли бўлиб турибди.

Машгулотларини Россия пойтахти Москва шаҳрида ўтказаятган 27 ёшли Қаҳрамон Орзиқулов эса вази 52,1 килограмм бўлган чарм қўлқоп усталари рейтингида бешинчи ўринда бормоқда.

Эслашиб ўтамиз, мазкур вази тоифасида месиқалик Феррандо Монтиэл жаҳон чемпиони ҳисобланади. Агар Қаҳрамон Орзиқулов яна бир неча рейтинги жангларини муваффақиятли ўтказса, жаҳон чемпионилиги учун рингга чиқиш имкониятини қўлга киритади.

Боҳир ЭЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2007 йил 23 ноябрь кунин соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидa ўтказиладиган очик аукцион савдоларига КўЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҚАЙТАДАН ҚўЙИЛАДИ:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2006 йил 16 октябрдаги 14187/13-сонли ижро ҳўжжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри Ша йхонтоҳур туманида жойлашган «Шайхонтоҳур Инвест» ШКнинг жарима майдонидa сақланаётган давлат рақами 3006038 бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган ГАЗ-2411 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—498 000 сўм.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 28 октябрдаги 10-0507/9260-сонли ижро ҳўжжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 29-а манзилдаги «Со-впласпаст» ҚК тегишли ва шу манзилда сақланаётган 1993 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10АК578 бўлган микроавтобус «РАФ-2203-01» русумли автотранспорт воситаси (соз холатда). Бошланғич баҳоси—1 245 384 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилири иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳўжжатида мулк номи, ижро ҳўжжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридa закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларини сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган ариваларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтайтилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»

РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

Цирк чипталарини тарқатиш ва сатиш бўйича туман кассирларини ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ
144-35-09, 144-37-31 телефонлари орқали мурожаат қилинг.
Соат 9.00 дан 17.30 гача кўнгирқ қилишингиз мумкин.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г - 1006

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2049 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ақциядорлик компанияси босмоқхонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турок» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4

Топширилган вақти: 13.10